

Менга ўхшаб рус тилидан бошка тилни билмаганларни Федерико Лорка шеърияти билан илк бор таништирган таникли таржимон Анатолий Гелескул шоир хаёти ва шеъриятига багишлаган маколаларининг бирида шундай ёзади: “Лорканинг хоки туроби каердалигини хеч ким билмайди. Аммо унинг ўклар тешган жасади шоир севган ватан тупрогида ва мабодо кун келиб ўша жой топилса, мабодо кун келиб кабр устига хотира тоши кўйиладиган бўлса, мен шу тошга бошка бир улуг шоир, масофа билан ўлчангандা Испаниядан жуда йирокда бўлган юрт-нинг фарзанди – ўзбек Алишер Навоий-нинг ушбу сатр-ларини ёздирган бўлардим: “...туфрок ила тенг ўлмишам”.

*Хуршид Даврон*

## УНИНГ ЧОЛГУСИ – ЮРАГИ ЭДИ...

---

Менга ўхшаб рус тилидан бошка тилни билмаганларни Федерико Лорка шеърияти билан илк бор таништирган таникли таржимон Анатолий Гелескул шоир хаёти ва шеъриятига багишлаган маколаларининг бирида шундай ёзади: “Лорканинг хоки туроби каердалигини хеч ким билмайди. Аммо унинг ўклар тешган жасади шоир севган ватан тупрогида ва мабодо кун келиб ўша жой топилса, мабодо кун келиб кабр устига хотира тоши кўйиладиган бўлса, мен шу тошга бошка бир улуг шоир, масофа билан ўлчангандা Испаниядан жуда йирокда бўлган юрт-нинг фарзанди – ўзбек Алишер Навоий-нинг ушбу сатр-ларини ёздирган бўлардим:

“...туфрок ила тенг ўлмишам”.

Афсуски, Гелескулнинг бу сўзлари Лоркани илк маротаба ўзбек тилига таржима килган Шавкат Рахмон ўлимидан анча вакт ўтгач ёзилган. Шавкат тирик бўлганда бу сўзлар уни бехад кувонтирган бўларди, деб ўйлайман.

Федерико Лорка шеърияти хакида ёзган одам борки, унинг шеърларини албатта мусикага ўхшатади. Гарчи шоир мусикий тахсил олган бўлса-да, биографлари унинг машшоклиги хусусида ёзса-да, аслида Лорка мусика соҳасида эътиборли бир ютукка эришмаган. Унинг чолгуси – юраги эди. Унинг шеърлари ана шу юрак тубидан кўринмас булок каби, улугвор дарё каби когозга куйилган; бу сатрлар шоир юрагини бирон сония бўлса-да тарк этмаган ўтли мухаббатдан яраларди.

*Бошланяпти*

*гитар ноласи.*

*Синаяпти*

*тонг пиёласи.*

*Бошланяпти*

*гитар ноласи.*

*О, кутмагин ундан*

*сукутни!*

*Сўрамагин ундан*

*сукутни!*

*Тиним билмай йиглар гитара,*

*йиглагандай дарёларда сув,*

*йиглагандай денгизда шамол,*

*сукут сўраб ялинма энди!*

*Шундай йиглар тонгни кўмсаб шом,*

*шундай йиглар нишонсиз ўклар,*

*шундай йиглар ловиллаган кум*

*тароватли гулларни йўклаб.*

*Илон нишин тахликасида*

*кушлар шундай ўлар жонсарак.*

*О гитара, шўрлик гитара,*

*бешта ханжар санчилган юрак!*

Федерико Лорканинг бетакрор овози бежиз Шавкат Рахмон таржимасида ўзбек тилида жарангламаган. Аввалан, уларнинг шеър ва шоирлик масъулияти бобидаги эътиқодлари хамоханг эди. “Энг кайгули шодлик” китобига ёзган сўзбошисида Шавкат Лорканинг куйидаги сўзларини алоҳида кайд этган: “Яхшиямки, санъат – санъат учун деган гоянинг магзи пуч, акс холда бундан-да шафкатсиз гоя бўлмасди. Бу сохта санъатнинг ўзигагина дахлдор соф санъатга бирортаям виждонли одам ишонмайди. Зиддиятли давримизда ижодкор халк кулса кулиб, йигласа йигламоги, ўз бинафшаларидан воз кечмоги, белигача боткокка ботиб бўлсаям бинафша излаётганларга кўмаклашмоги шарт”. Бу факат Лорканинг эмас, Шавкат Рахмоннинг хам ижодий ва хаётий матлаби эди.

Асл таржимон ўзи таржима килишни истаган шоирни кўр-кўrona танламайди. Ўзининг ижодий кечинмалари ва хаётий матлабларига кўра танлайди.

Шавкат Лоркадан шеърлари таржимаси билан жуда узок вакт шугулланди. Дастребки таржималарининг кўпидан воз кечди. Унинг ўзи бу хакда шундай ёзган эди: “Ўйлаб карасам, Лорканимас, Лорканинг таржималарини таржима килганим аёнлашди. Рус мутаржимлари, шубхасиз, энг сўнгги имкониятларини ишлатиб меҳнат килган бўлсалар хам, Лорка шеър-ларининг асл киёфасини кўриш иштиёкида ёнавердим”. Лорка шеърларининг асл киёфасини факат шеър ёзилган тилгина бера олишини англағани

учун Шавкат испан тилини ўрганишга киришди, Испанияга сафар килди. Айнан ана шу узок йиллик меҳнат ва бекиёс мухаббат натижаси ўларок “Энг кайгули шодлик” китоби майдонга келди. Китобнинг номи хам Лорканинг “Энг кайгули шодлик шоир бўлишдир, колгани хисобмас” деган сўзларидан олинган эди.

– Биласизми, Хуршид, мен нима учун Лоркани яхши кўраман? – деган эди Шавкат Раҳмон Сулаймон тогининг тепасида окшом чўкаётган Ўшни томоша килиб, сухбатлашиб ўтирганимизда, – Унинг шеърияти мени ватан ва миллатни севишга ўргатди.

– Нима, олдинлари ватанин севмаганмисиз? – дедим кулиб мен.

Шавкат хам жилмайди. Тугай деб колган сигарета тутунини ичига чукур тортди-да, гапида давом этди:

– Лоркага ўхшаб озодлик учун ўлиш кўлимиздан келадими? Унинг илк шеърларидаёқ ватан озодлиги йўлида ўлмокни тақдир деб билган инсонни кўрасиз. Лорка йигирма ёшида ватанини кезиб улгурган эди. Унинг шу ёшда Кастилия бўйлаб килган сафаридан олган таассуротлари акс этган биринчи китоби Испанияга бўлган буюк мухаббатининг тимсоли. Ўша сафар жараёнида у канакадир умумий бир миллат эмас, ўзи кўрган, сухбатлашган одамлар хакида ёзиш лозимлигини англади, бу одамларнинг хар бирини чин юракдан севишини хис этди. Шуни хис этдию ёзадиган шеъри ўзгарди. Ана шу ўзи яхши билган, таниган оддий одамларга бўлган мухаббати – ватанга бўлган улкан мухаббатга айланди...

Шавкатнинг бу сўзларини эшлиб ўтирарканман, бир йилми-икки йил аввал унга килган хазилимдан уялиб кетдим.

Бешоғочдаги bogda бўлган улфати чортангдан чикиб, хеч биримиз уйга кетгимиз келмай, автобус бекати четидаги темир тўсикларда кушлардек катор тизилишганча кизгин сухбатимизни давом эттиридик. Шавкат Лорка таржимасига энди киришган кезлар эди.

– Мен Лоркани сиздан зўр таржима киламан, – дедим хазиллашиб унга.

У кошини чимириб, жиддий тарзда:

– Кўлингиздан келмайди, – деди.

Мен хам бўш келмадим:

– Барибир Лоркани сиздан зўр таржима киламан!

– Килиб бўпсиз! – деди Шавкат олдингидан баттар жиддийлик билан.

Бахсимизни тинглаб ўтирган Усмон Азим (Шавкат кўрмайдиган килиб, менга “Калланг борми?” дегандай бармогини боши узра айлантираркан) орага кирди:

– Бўпти! Иккалангга икки кун мухлат, иккаланг хам Лорканинг битта шеърини олиб таржима киласан, эртадан кейин менга кўрсатасизлар. Ким зўр таржима килганини мана мен айтаман.

– Кайси шеърни таржима киламиз? – деб сўради Шавкат.

– Испан миршаблари хакидагисини, – дедим мен.

– Мен у шеърни таржима килиб бўлганман, – деди Шавкат.

Усмон Азим хоҳолаб юборди, кейин “Хах, Шавкат-а!” дегандай бошини чайкаганча:

– Хўп деб кўяколмайсизми, афанди! Нима, бу билиб ўтирибдими таржима килган-килмаганингизни, мана, килдим деб олиб келаверардингиз-да. Энди гап бундай, Хуршид, сиз ўша шеърни барибир таржима килиб келасиз. Келишдикми? – деди.

Мен рози бўлдим. Шу билан таркалдик.

Ўша вактларда жўраларим “Хуршиднинг боги” деб атаган Чилонзор Октепасига якин, Анхор ёқасида жойлашган, Рауф Парфи хам бир неча марта тунаб колиб, “Кулбаи шох”

деган ном билан шарафлаган ижарахонамга кайтдиму Лорканинг китобини олиб шеърни икки-уч карра ўкиб чикдим. Сўнг ичимда “буларга бир кўрсатиб кўяй” деган ўй чўг бўлиб ёнди шекилли, тонггача ухламай шеърни таржима килдим.

Хуллас, келишилган муддатда Усмон Азим билан Шавкат Рахмонга таржимани кўрсатдим. Хакам хеч бўлмаса дуранг килса керак деб турсам, Усмон Азим гапни чўзмай:

– Шавкатники яхши экан, – деб колди-ку!

Асти бўш келмай:

– Меникиям зўр, – дедим унга эмас, Шавкатга караб.

Шавкат, хали-хануз баъзан кўз ўнгимда лоп этиб пайдо бўладиган табассуми юзига ёйилди-ю, хеч нима демади.

Орадан неча кун ўтди, билмайман, бир куни у мийигида худди ўша табассум билан менга тикилди-да:

– Гап бор, – деди.

Кейин ўта мухим бир масаладек, мени четга тортди ва яна жилмайганча:

– Хуршид, анов таржимангиздаги битта сўзни менга берсангиз, – деди.

– Кайси сўзни?

– Мен “О, жарангдор лўли шахрим!” деб таржима килган сатрни сиз “О, жарангдор лўли кентим!” деб ўгирибсиз, ана шу “кент”ни...

– Олаверинг! – дедим дилим ёришиб.

Лоркадан таржималар китоби босмадан чиккач, Шавкат ўз сатрини ўзгартирганини кўрдим, аммо сабабини сўраб ўтирумадим.

“Ўлсанг хамки, яша!” деган экан Хёте. Буюклар учун айтилган бу гап. Федерико Лорка ва Шавкат Рахмон учун хам айтилган.